2. Кортикал фреза (Countersinkdrill) – суяк қўндоғининг кортикал қатламини “зенклаш” учун ускуна.
3. Янги дриллар ва кўп микдорда совутилган ирригациядан фойдаланиш.

**2-масала.** Поликлиникага 30 ёшдаги bemор 33 имплантатда оғриқ ва ифодаланган кўзғалувчанликдан шикоят қилиб мурожаат килди, унинг сўзларидан имплантат бир неча ой олдин ўрнатилган. Оғиз бўшлиғи кўриқдан ўтказилганида кўп микдорда тиш усти ажралмалари ва тилда караш аниқланди.

Имплант мослашмаганлигининг эҳтимолий сабабларини келтиring.

Жавоб: имплантат кўзғалувчанлиги имплантат-перимплатит атрофида тўқималарининг инфекцияли шикастланиши туфайли имплантнинг суякни кўллаб-кувватлаши йўқолиши оқибатида ҳосил бўлди. Инфекциянинг сабаби – bemорнинг оғиз бўшлиғида гигиена йўқлиги.

**3-масала.** Бир онли имплантация билан 43 тиш олиб ташланганида жарроҳ дриллни синдириди.

Дриллни олиш учун нима килиш керак ва у олинганидан сўнг имплант ўрнатиш имконими?

**Жавоб:** сүяк қўндоғидан пармани пассив йўл билан ёки уни чиқариб олиш учун атрофидаги соҳани фаол пармалаган ҳолда олиш зарур. Шундан сўнг имплантнинг бирламчи турғуналашуви учун етарли даражада сүяк тузилмаси сақланган ҳолатда имплантни ўрнатиш, шикастланган сүяк тўқималарини эса СРЙ жараёнга йўлиқтириш, ёки СРЙ жараёнини ўтказиш имконсиз бўлганида операцияни кейинга қолдиринг.

**4-масала.** Имплантация жараёни вақтида жарроҳ ўнг қўлининг олд томонида кўлқоп юзасини шикастлади.

Агар жарроҳ кўлқоп сезилмас даражада шикастланганлигини айтган ҳолда, йиртилган кўлқопни алмаштирмаса, операцияни давом эттиришнинг имкони борми?

**Жавоб:** кўлқоп шикастланганида жарроҳ-имплантолог дарҳол кўлқопни алмаштириши лозим, чунки операция вақтида бемор қонининг жарроҳнинг кафт териси билан бевосита контактга киришиш эҳтимоли мавжуд, бу антисептика қоидаларига зид.

**5-масала.** Имплантациядан олдин бемор юзи қайта ишлангандан сўнг ва анестезиядан сўнг бемор бурнини қашиди.

Бунга эътибор бериш керакми? Сиз бу ҳолатда нима қилган бўлардингиз?

**Жавоб:** операцияни маҳаллий анестезия остида ўтказганда беморнинг барча ҳатти-харакатларини назорат қилиш лозим. Бемор қўлининг операция майдони атрофида қайта ишланган соҳа ва операция майдони билан тасодифий контактида бу соҳанинг антисептик қайта ишланишини такроран амалга ошириш ва беморга зарур кўрсатмалар қилиш лозим.

## 5- БОБ

**Суяк пластикаси тушунчасининг аникланиши. Суяк пластикаси жараёнларининг қискача шархи. Суяк пластикасини ўтказиш учун материал ва усуллар.**

Суяк пластикаси (грекчадан пластике – хайкалтарошлиқ, пластика; син. Остеопластика) – суяк шаклиниң тұлғылығини қайта тиклаш ёки ўзгартириш учун, шунингдек суяк тұқимасида регенератор жараёнларини құзғатиши мақсадида ҳамда шахсий ёки бегона суяк бұлакларининг күчирилиши билан боғлиқ жаррохлық операцияси. Щрнатиладиган материаллар организмга шахсий сиягини “ұстиришга” ёрдам беради

Россияда жағ-юз соҳасида суяк тұқимасининг күчирилишини ўтказишига биринчи уринишлар докторлар Дяконов Р.І ва Дешин А.А томонидан 1891-йилда амалға оширилген. Имплантланувчи суяк материали сифатида ўмров ёки суяк нұқсони билан құшни пастки жағ бўлимларидан олинган мушак оёқасидағи соҳалар хизмат қилган. Пастки жағнинг остеомиелит билан шикастланиши туфайли суяк тұқимасини эркин күчириб ўрнатиш бўйича тўлақонли операция 1900-йилда Москва шаҳрида жарроҳ Зиков V.M. томонидан ўтказилган.

Янги суяк ҳосил бўлиш жараёнида “уч кит” иштирок этади: суяк кўндорини қопловчи хужайралар, бириктирувчи тұқима, ўраб турган хужайралар ва қисман, аутотрансплантат хужайралари. Исботланган факт: суяк күчириб ўтказишида остеоцитлардан (суякнинг асосий моддасини бўшлиғида жойлашган етук суяк хужайралари) маҳрум бўлишига қарамасдан, асосан суяк моддасида суяк тұқимасининг резорбциясида иштирок қилувчи остеобластлар (суяк “қурувчи” хужайралар) ва остеокластлар сакланади. Бу каркас сифатида хизмат қилувчи трансплантат вақт ўтиши билан суяк тұқимаси билан қопланиши, яъни физиологик қайта тузилишига олиб келади.

Суяк тұқимасини қайта тиклаш бўйича операция, энг аввало,

күрсатмалар ва қарши күрсатмалар, нуқсон диагностикаси ва трансплантат танловидан бошланади. Суяк тўқимасининг йўқотилган ҳажмларини қайта тиклаш бўйича одатий операция қўйидаги тарзда амалга оширилади: оғриқсизлантирилгандан сўнг ўрнатиш жойи юмшоқ тўқималардан тозаланади, трансплантация материали эса ўрнатиш жойига маҳкамланади ва кейин трансплантат атрофида қолган соҳа суяк увоклари билан тўлдирилади. Шундан сўнг операция қилинаётган соҳа биомплантат/трансплантатнинг ишончли маҳкамланишини таъминлаш учун – резорбцияланувчи (сўрилувчи) ёки сўрилмайдиган тўсиқ мембрана билан ёпилади. Операция якунида милкнинг шиллик қаватига пухта чок қўйилади. Кейинги 3-6 ой давомида ўрнатиш жойида шахсий суяк ҳосил бўлади.

Имплантологияда суяк пластикаси жараёнлари – жағнинг алвеоляр ўсиғида атрофияланиш оқибатида суяк тўқимасининг ҳажми танқислигига ўтказиладиган жарроҳлик манипуляциялари.

Алвеоляр ўсиқ суяк тўқималарининг атрофияси тишининг/тишларнинг олиб ташланганлиги, жароҳат, пародонт касаллиги ва ҳоказолар натижасида вужудга келади.

Суяк тўқимасининг танқислиги дентал имплантатни ўрнатиш ва “пушти” эстетика ҳосил қилишда муаммога олиб келади (қаттиқ тўқималар билан мувофиқлашган милк архитектоникаси).

Суяк тўқимасининг алвеоляр қирра марказидан ён йўналишда ўсиш жараёни имплантологияда – **латерал аугментация** деб аталади

Суяк тўқимасининг алвеоляр қирра марказидан вертикал йўналишда ўсиш жараёни имплантологияда – **вертикал аугментация** деб аталади.

Суяк пластикаси жараёнлари қўйидаги кенг тарқалган турларни ўз ичига олади (72-расм):

1. йўналтирилган суяк регенрацияси – ЙСР усули (GuideBoneRegeneration)
2. Қиррани ёриш усули (Ridge splitting-RS/E)
3. Блоклар билан ишлаш усули (Blockgraft)
4. Дистракция усули (Distraction)



72-расм.

Йұналтирилған сүяк регенерацияси – асосига 3-ташқиңиң кисмдан фойдаланиш йұлы билан исталған сүяк ҳажмини шакллантириш қўйилған усул:

1. сүяк ўрнини босувчи материал мавжудлиги (кўп холатда доналар ўлчами 0.5-1 мкм гача ўлчамдаги майда дисперс куқун кўринишида)

Сүяк ўрнини босувчи материалнинг турлари (73-расм):



73-расм.

**Аутографт** – организмдан олинган ва сүяк тұқымасининг танқислигини қайта тиқлаш лозим бўлған шу организмнинг ўзига кўчирилған сүяк трансплантати. Олиниш жойи (донор жойи): ЮЖС, бош сүяги, скелет сүяги бўлиши мумкин. Табиий сүяк тұқымасининг барча функционал ўзига хосликларига эга бўлиб ва кўчириб ўтказиладиган жой (реципиент жойи) билан генетик мослиқда бўлған аутографт нуқсон жойида ўраб турған сүяк тұқымаси билан интеграцияланишининг юкори имконига эга. Шу туфайли аутосүякграфти билан боғлиқ сүяк пластикаси жараёнлари бугунги кунда

имплантологияда “олтин стандарт” ҳисобланади. Аутографтдан фойдаланишда энг асосий камчиликлариқўшимча жарроҳлик амалиётларини ўтказиш зарурияти, донор жойда операциядан кейин морбидлик, аутосуякни юқори ҳажмда олиш имконсизлиги, сукр лизисининг юқори эҳтимол даражаси ва бошқалар ҳисобланади.

**Аллографт** – бир турдаги организмдан олинниб, шу турдаги организмга кўчириб ўтказилган сукр трансплантати. Аллографт сифатида мурда материалидан фойдаланилади. Графтнинг ушбу тури морфогенетик ва биокимёвий хоссалари бўйича аутосуяк тўқимага максимал яқинлашади, бироқ, сан-эпидемиологик талаблар, одамийлик, юридик-хукукий ёки бошқа меъёрлар муносабатида графтни тайёрлаш мураккаблигидан келиб чикиб, бу турдаги графтдан фойдаланиш жаҳонда кенг қўлланилмайди.

**Ксенографт** – бир турдаги организмдан олинниб, бошқа турдаги организмга кўчириб ўтказилган сукр трансплантати. Ксенографт йирик шохли ва майда моллар сукр тўқимасидан олинади. Органик ва ноорганик ташкилий қисмга эга бўлиб, графтнинг мазкур тури сукр пластикаси жараёнларида муваффакиятли қўлланилади, лекин унинг салоҳияти юқорида келтирилган ато- ва аллографтларницидан сезиларли даражада паст. Бу, биринчи навбатда, графт морфогенетик тузилмасининг бегона турдалиги билан боғлиқ. Аммо бу камчиликларнинг ўрни графтларнинг икки компонентли аралашмасини яратиш йўли билан қопланади, бунда бир графтда зарур хоссаларнинг йўклиги бошқасининг хоссалари билан тўлиқ тўлдирилади.

**Аллопластик** (синтетик) графт – органик ва/ёки ноорганик ташкилий қисмларнинг бир яхлит тузилмага синтезланиш усули билан олинган сукр трансплантати. Ноорганик ташкилий қисм асосини куйидаги моддалар ташкил қиласи – гидрооксиаппатит, калций фосфат, калций карбонат, калций сульфат ва ҳоказолар. Органик ташкил қисм асосини коллаген ва унга ўхшаш материаллар ташкил этади. Графтнинг мазкур тури ишлаб чиқарилишида чексиз ҳажми, тайёрланишининг мураккаб эмаслиги, кўчириш ва

фойдаланиш осонлиги, янги сүяк тўқимасини ҳосил қилишда бир вақтнинг ўзида матрица ва қурилиш материали сифатида хизмат қилувчи яхлит таркибнинг инсон сүяк тўқимасининг таркиби билан ўхшашлиги туфайли жаҳонда кенг тарқалган. Аллопластик материаллар яратиш соҳасида замонавий илмий изланишлар сунъий сүякнинг регенерация қобилиятини ҳосил қилиш ва яхшилаш жараёнларини оптималлаштиришга йўналтирилган, бу келажакда унинг кенг тарқалиши ва эҳтимол, сүяк ўрнини босувчи графтларнинг бошқа турларини бозордан чиқаришини кўзда тутади.

2. Сүяк пластика материалини нуксон соҳасида бириттирувчи тўқима элементларининг графт билан инвагинациясидан ҳимоя қилиш функциясини бажарувчи тўсиқ мембрана-тузилмаларнинг мавжудлиги, бу остеосинтез жараёнининг ижобий кечуви ва тўлақонли сүяк тўқимаси етилишига олиб келади.


Мембраналар ўзининг консистенцияси, тайёрланиш материали ва организмда сўрилиш қобилиятига кўра қуидаги расмларда келтирилган: 74, 75, 76 ва 77.



74-расм



75-расм



76-расм

3. **Махкамловчи элементлар** - сүяк пластикаси жараёнларида оғиз бүшлигі юмшоқ ва қаттық түкималарига доимий статик ва динамик босим шароитида түсік тузилмалар, сүяк сегментлари, оксиллар ва хоказолар иммобилизациясини үтказиш имконини беруви ташкил қысмлар, бұны сүяк графти жароҳацыз тұлақонли етилишини таъминлайды (77-расм).



77-махкамловчи элементларнинг турлари


ЙСР жараёнининг боскичлари:




78- расм. Тишни кўрсатмаларга кўра олиб ташлаш




79- расм. Имплантатнинг ўрнатилиши ва ёнок кортикал пластиинка томонида нуксон хосил бўлиши



80- расм. ЙСР ўтказиш йўли билан нуксонни вестибуляр томондан ёпилиши: айтосуяк суюк бўлакларининг (киринди) нуксон юзасига апликацияси





81- расм. ЙСР ўтказиш йўли билан нуксонни вестибуляр томондан ёпилиши: майдо дисперс аллопластик материал аутосуяк суюк бўлакларининг (киринди) нуксон юзасига апликацияси (Sandwich усули)



82-расм. Графт юзасига  
мембраннынг ўрнатилиши ва унинг  
пинлар билан махкамланиши

83-расм. Операция соҳасининг  
тиклиши



84-расм.

## **Блоклар билан ишлаш усули**

Аутосуяк блокларининг олиниши:

1. механик ротор механизмлар (тұғри учли каттиқ қотишмали фреза, турбинали, дискли аппали Линдерман бори (Microsaw түплами) ва хоказолар)
2. Пезоаппарат (85-расм) ёрдамида амалга оширилади.




**85-расм. Бұлиш учун маҳсус аррага әга пъезоаппарат**

Блокларнинг маҳкамланиши күпроқ винтлар, остеосинтез учун пластиналар ва бошқалар ёрдамида амалга оширилади.

Блокни суяк құндоғига маҳкамлаш (86, 87, 88-расм)



**86-расм. Блокнинг суяк құндоғи билан остеоинтеграция давридан сұнг винтларнинг олиб ташланиши.**



87-расм. Блоклар усулида аугментланган сохада имплантация



88-расм. Алвеоляр киррани бўлиш усули

Бу усул кирра кенглиги буқколингвал йўналишда камидаги 4 мм бўлганида ўтказилади.


Кийидаги ускуналардан фойдаланилади:

1. Механик ротар механизмлар (тўғри учли каттиқ котишмали фреза, турбинали, дискли аррага эга Линдерман бори (Microsaw тўплами) ва ҳоказолар) (юқоридаги расмга қаранг)
2. Искана
3. Пезоаппарат (юқоридаги расмга қаранг)

#### 4. Спредерлар (89-расм)



89- расм. Спредерлар – бўлишда кенгайтириш ёки юшкот консистенцияли суякни конденсациялаш учун ускуналар.



90- расм. Қиррани бўлиш учун универсал тўплам

#### Бўлиш босқичлари:

Қирранинг кератинли қисми марказидан кесиш



Киркимнинг ажратилиши (қисман ёки түлиқ бўлинган)




Кирра маркази бўйлаб суяк тўқимасини арралаш




Имплантатни ўрнатиш жойида дриллинг




Эҳтиёткорлик билан ёндашиш учун исказа ёрдамида арралашни чуқурлаштириши жараёнини ўтказиш



Дриллинг ўрнига спредерлар ўрнатилиши ва қирранинг секин бўлиниши	
Имплантатларни ўрнатиш	
Фоваксимон соҳани суяк пластик материал ҳамда мембрана билан тўлдириш	
Ярани тикиш	

### Дистракция усули

**Дистракцияли остеогенез** – бу бир-биридан тобора чўзилиш туфайли узоклашиб борувчи суяк бўлакларининг юзалари ўртасида янги суяк шаклланишининг биологик жараёни (91-расм).



**91-расм.**

### *Жараённинг ўзига хосликлари:*

Қўлланиш 50 мм дан кам бўлмаган қалинликдаги бўлаклар билан чекланган  
Бўлакнинг минимал талаб қилинадиган баландлиги 8 мм

Суяк ҳажми етарли бўлмаган ҳолатларда, масалан, пастки жағнинг ифодали  
атрофиясида қўлланилмайди, чунки синиш хавфи мавжуд

Бемор ускунанинг фаоллашувида иштирок этади

### *Кўрсатмалар*

Алвеоляр киррада нуксонларни бартараф этиш

Юкори ва пастки жағда суяк атрофиясини бартараф этиш

Ортодонтик кўрсатмалар:


Вертикал тузатиш/денто-алвеоляр бўлакнинг кўчиши


Махаллий очиқ тишламни бартараф қилиш

Исталган ёшдаги bemorларни даволаш


### *Фойдаланиладиган ускуналар*

дистракция учун тўплам



дистракция пластинаси	
пластинани маҳкамлаш учун эгилувчан отвертка	 51-505-80 Distraction screwdriver

### Дистракцияни ўтказиш муддатлари



### **Синус-лифтинг операцияси (СРЙ усулининг тури)**

**Синус-лифтинг** (субандрал аугментация) – бу юкори жағнинг мавжуд бўлмаган ён тишлар соҳасида юкори жағ бўшлигининг (гаймор) тубини кўтариш ҳисобига сук як тўқимасининг массивини сунъий қўпайтириш.

**Очиқ синус-лифтинг** – субандрал аугментацияни ўтказиш усули, бунда юкори жағ бўшлигининг латерал деворида тешик (дарча) шаклланади, у орқали маҳсус ускуналар ёрдамида шиллик гаймор бўшлиги ажратилади (Шнейдер мембранаси), кейин ҳосил бўлган соҳа остеопластик материал билан тўлдирилади.

**Ёниқ (юмшок) синус лифтинг** – субандрал аугментация ўтказиш усули, бунда шиллик гаймор бўшлиқнинг ажралиши имплантатни ўрнатиш учун шакллантирилган қўндок орқали амалга оширилади (юкори жағ

алвеоляр ўсигининг кирраси орқали), кейин имплантат ўрнатилади.



**92- расм. Синус-лифтинг тушунчаси ва бўшлиқка кириш турларини аникловчи схема.**

### **Синус-лифтинг операциясига нисбий (вактинчалик) карши кўрсатмалар**

Ўткир гайморит, сурункали гайморитнинг кескинлашуви ва гаймор бўшлиқ билан боғлиқ бошқа ўткир хасталиклар.

Якинда (1 йилдан кам) ўтказилган гайморотомия операцияси  
Гаймор бўшлигига киста ва полиплар мавжудлиги

Бўшлиқда бегона жисмлар мавжудлиги (тиш, имплантат, пломба материали)

**Синус-лифтингни ўтказиш техникасини танлашга таъсир қилувчи омиллар**

Суякнинг баландлиги ва унинг сифати

Анатомик хусусиятлари

Имплантатнинг дизайнни

Суяк материали

## Операция техникасини танлаш схемаси (93-расм)

10 мм дан ортиқ – лифтингсиз.

6 мм дан ортиқ – бикортикал маҳкамлаш

4-6 мм: ёпиқ синус-лифтинг

2-4 мм: очиқ синус-лифтинг

Имплантат ўрнатилиши билан.

2 мм дан кам: очиқ синус-лифтинг



93-расм.


### Очиқ синус-лифтинг ўтказиш учун ускуналар:


#### Латерал кириш

Гаймор бүшлиги  
мембранасини кўтариш  
учун универсал кичик  
кюрет тўплами Dentium




Гаймор бүшлиги  
мембранасини кўтариш  
учун универсал катта  
кюрет тўплами Dentium




кириш замбуругсимон Dentium	учун фреза	
Киррали кириш Фреза Dentium	учун	
Физиодиспенсер	(юкоридаги расмга қаранг)	
Пезотом аппарати	(юкоридаги расмга қаранг)	
<b>Киррали кириш</b>		
Киррага кириш учун түплам Osstem		


### Очиқ синус операциясининг босқичлари:

Кесимни амалга ошириш, киркимни ажратиш ва бўшлиққа кириш учун “дарча”ни қайта ишлаш	
--	---

Гаймор бўшлиқ шнайдер  
мембранасининг ажратилиши



Бўшлиқка суюк ўрнини босувчи  
материалнинг киритилиши







Аугмент бўшлиқка имплантатни  
ўрнатиш



**Киррали киришни амалга ошириш боскичлари:**

Кирранинг бўшлиқ  
тубигача бўлган  
баландлигини ўлчаш



Суяк күндоғини қайта ишлаш босқичлари	
Бўшлиқ тубини мембрана билан контактгача қайта ишлаш	
Мембраннынг ажратилиши	
Суяк ўрнини босувчи материалнинг киритилиши ва тақсимланиши	
Имплантатни ўрнатиш	

Юқорида келтирилган анъанавий киррали кириш техникаларидан ташқари, ҳозирги кунда **Баллон техникаси** (синусга киритилиб, сув билан

тўлдириладиган эгилувчан резина шар хисобига мембраннынг жароҳатсиз силжиши содир бўлади) ва Гидро-синус техникасидан (махсус кийдирмали шприцдан сув оқимининг босим кучидан фойдаланиш, шунингдек мембраннынг жароҳатсиз силжишига олиб келади) фойдаланиб мембрани ажратиш операциялари ўтказилади.


#### Ёпик синус-лифтинг ўтказиш учун ускуналар:

Ёпик синус учун остеотомлар тўплами Dentium	
Физиодиспенсер	(юкоридаги суратга каранг)
Пезотом аппарати	(юкоридаги суратга каранг)
Синус тубини кўтариш учун экспандерлар тўплами AlfaBio	




### Ёпик синус-лифтинг ўтказиш боскичлари



Алвеоляр қирра  
суягининг баландлигини  
аниқлаш



Бүшлик тубигача 2 мм  
суяк катламини  
қолдирган ҳолда,  
остеотомия учун суяк  
қўндоғини қайта ишлаш  
боскичлари



Шаклланган қўндоқ  
бўйича қайта ишлашдан  
сўнг колдирилган суяк

<p>қатлами билан (2 мм) туташгунга қадар остеотом киритилиши</p>	
<p>Остеотом билан бўшлик ичига сувак тўқимасининг 2 м га синдирилиши ва остеотомлар диаметрини остеотомиянинг ишчи баландлигини сақлаган холда танланган имплантат учун зарур диаметргача ошириш</p>	
	
<p>Шакллантирилган кўндоққа имплантатни ўрнатиш</p>	

қандай туридан фойдаланиш мүмкін?

Жавоб: Гаймор бўшлигига ЙСР жараёнини ўтказишида коллаген турли биотақсимланувчи мембранадан фойдаланиш тавсия қилинади. Бўшлиқда суяқ пластик материали сифатида 4 турдан исталганини, ёки уларнинг турли хиссали аралашмасини қўллаш мүмкін.

**4-масала.** 45 тиш олиб ташланганидан сўнг шифокор-имплантолог имплантатни олиб ташланган тиш ўрнига ўрнатди, бироқ унинг олдида кечикитирилган ва дархол окклузияли юкланиш танлови пайдо бўлди.

Ушбу мисолда торк-назоратдан ташқари, бирламчи турғунлашувни яна қандай усулда аниқлаш мүмкін? Юкланишнинг қандай турини танлаш лозим. Бу усулда микдор характеристикалари мавжудми?

Жавоб: суяқ тўқимасида имплантатнинг бирламчи турғунлик даражасини аниқлаш учун оптимал йўл RAF- усули хисобланади. ISQ ўлчови бўйича, ушбу имплантат унга дархол ортопедик юкланиш бериш учун камида 70 бирлик турғунлик тўплаши лозим.

**5-масала.** Шифокор-ортодонтга мурожаат килган 25 ёшли, очик тишлам ташхисига эга bemor бу муаммони бартараф қилиш учун жарроҳ-стоматологга йўналтирилди.

Жарроҳ-стоматолог суяқ пластикаси жараёнлари ичидан қайси усулни танлаши мүмкін ва бу усул учун яна қандай кўрсатмалар мавжуд?

Жавоб: Усул Дистракцияли остеогенез деб аталади – бу бир-биридан тобора тортилиш воситасида узоклашиб борувчи суяқ бўлаклари ўртасида янги суяқ шакланишининг биологик жараёни.

Дистракцияли остеогенезга кўрсатмалар:

Алвеоляр қирра нуксонларини бартараф этиш

Юқори ва пастки жагда суяқ атрофиясини бартараф этиш

Ортодонт кўрсатмалар:

Вертикал тузатиш/денто-алвеоляр бўлакларнинг кўчирилиши

Маҳаллий очик тишламни бартараф қилиш

Исталган ёшдаги bemorларни даволаш

# **МАВЗУНИ ЎЗЛАШТИРИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛНИН УЧУН ТЕСТ ВАЗИФАЛАРИ ВА ВАЗИЯТЛИ МАСАЛАЛАРИ**

## **ТЕСТ ВАЗИФАЛАРИ**

*Биттә түзгри жасавобни танланг.*

### **1. ОСТЕОИНТЕГРАЦИЯ ДЕГАНДА НИМА ТУШУНИЛАДИ**

- 1) сүяк бўлагини юмшоқ тўқималарга киритиш
- 2) репаратив остеогенез жараёни
- 3) имплантат юзаси ва сүяк ўртасида тоғай тўқимасининг ҳосил бўлиши
- 4) жаг сүяк тўқимасининг юкланишни остидаги имплантат юзаси билан тузилмали ва функционал боғланиши.

### **2. ҚОН ҚҮЙҚАСИНИНГ РЕТРАКЦИЯЛАНИШ НАЗАРИЯСИГА КЎРА ДЕНТАЛ ИМПЛАНТАТНИНГ ОСТЕОИНТЕГРАЦИЯ ЖАРАЁНИ НИМАЛАРДАН ТАШКИЛ ТОПГАН**

- 1) икки кетма-кет босқич
  - 2) тўрт кетма-кет босқич
  - 3) уч кетма-кет босқич
  - 4) беш кетма-кет босқич
- ### **3. СУЯКНИНГ ҚАЙТА МОДЕЛЛАШУВ ФАЗАСИДА НИМА СОДИР БЎЛАДИ?**

- 1) имплантат юзасида бирламчи матрикс ҳосил бўлиши
- 2) она сүякнинг резорбцияловчи матриксидан келувчи ўсиш омилларининг назорат қилувчи таъсирида “сүяк олди” матриксининг юзасида амалга ошувчи сүяк ҳосил қилувчи хужайраларнинг дифференсиацияси
- 3) дифференсиацияланмаган сүяк моддасининг фаол остеокласт резорбцияси соҳаларида ёш трабекуляр сүяк тўқимасининг тузилиши
- 4) етилмаган сүяк тузилмалари ўрнининг етук тузилмалар билан эгалланиши ва юкланишлар шартига мослашув

### **4. БИОИНЕРТ МАТЕРИАЛЛАРГА НИМАЛАР КИРАДИ**

- 1) зангламайдиган пўлат
- 2) хром-кобалт қотиши маси
- 3) титан, цирконий
- 4) гидроксиапатит

## 5. БИОТОЛЕРАНТ МАТЕРИАЛЛАРГА НИМАЛАР КИРАДИ

- 1) зангламайдиган пўлат
- 2) титан ва унинг котишмалари
- 3) цирконий
- 4) тантал

## 6. КОНТАКТ ОСТЕОГЕНЕЗ – БУ

- 1) имплантат атрофида сувак тўқимасининг регенерация жараёни
- 2) сувак тўқимасининг бевосита имплантат юзасида регенерация жараёни
- 3) жароҳатдан кейин сувак соҳаларини қайта тиклаш
- 4) скелет массаси меъёрида сақланганида органик сувак матриксининг нотўғри минераллашуви

## 7. ЁТОҒНИНГ ВИНТ ЁКИ СИЛИНДР ИМПЛАНТАТЛАРГА ҚАЙТА ИШЛАНИШИНИ МАҲСУС МЎЛЖАЛЛАНГАН АЙЛАНИШ ТЕЗЛИГИ ҚҮЙИДАГИ АЙЛ/ДАҚ БЎЛГАН ПАРМАЛАР БИЛАН АМАЛГА ОШИРИШ ЛОЗИМ

- 1) 200-300
- 2) 500-800
- 3) 1000-1500
- 4) 3000-5000

## 8. СУПРАТУЗИЛМАНИ ИМПЛАНТАТГА МАҲКАМЛОВЧИ ВИНТ ТОРТИЛИШИННИГ КУЧИ НИМА БИЛАН АНИҚЛАНАДИ

- 1) шифокорнинг тактил ҳислари билан
- 2) супратузилманинг қўзгалувчаник даражаси билан
- 3) имплантатлар тизимишининг элементларини қўллаш йўриқномалари бўйича
- 4) динамометрик калит кўрсаткичларига кўра

9. ЮҚОРИ ЖАҒДА МОЛЯРЛАР ОЛДИ СОҲАСИДА ИМПЛАНТАТ ЁТОГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА “БОТИШ” ТАЪСИРИ НИМАДАН ДАРАК БЕРАДИ

- 1) юқори жағ бўшлигининг қайта ишланиши
- 2) борнинг синиши
- 3) катта илдиз тиши ёноқ-мезиал илдизининг кўзғалувчанлиги
- 4) қозиктиш илдизининг шикастлангалиги

10. ПАСТКИ ЖАҒДА ИМПЛАНТАЦИЯДАН КЕЙИН ПАСТКИ ЛАБНИНГ ПАРЕСТЕЗИЯГА НИМАЛАР ОЛИБ КЕЛИШИ МУМКИН

- 1) имплантат учун қўндок шакллантиришда пастки ой нервининг шикастланиши
- 2) милк шакллантиргичнинг ўз вақтида ўрнатилмаслиги
- 3) ортопедик боскичнинг эрта ўтказилиши
- 4) переимплантит

11. ФАОЛИЯТНИНГ БИРИНЧИ ЙИЛИДАН КЕЙИН ҲАР ЙИЛИ ВИНТ ИМПЛАНТАТ АТРОФИДА СУЯК ТЎҚИМАСИ РЕЗОРБЦИЯСИННИНГ ЙЎЛ ҚЎЙИЛГАН ТЕЗЛИГИ

- 1) 3 мм
- 2) 1 мм
- 3) 0,2 мм
- 4) 0,5 мм

12. ПАСТКИ ЖАҒНИНГ ЁН БЎЛИМЛАРИДА ДЕНТАЛ ИМПЛАНТАТ ЎРНАТИШДА ПАСТКИ ЖАҒ КАНАЛИНИНГ ДЕВОРИГАЧА БЎЛГАН МИНИМАЛ МАСОФА

- 1) 2 мм
- 2) 4 мм
- 3) 0,5 мм
- 4) 1 мм

13. АБАТМЕНТ БУ

- 1) супратузилма

2) химояловчи модул

3) имплантат аналоги

4) маҳкамловчи винт

#### 14. ПЛАСТИНАЛИ ИМПЛАНТАТНИ ЎРНАТИШ УЧУН ҚҮЙИДАГИЧА КЕСИЛАДИ

1) алвеоляр кирра маркази бўйлаб

2) алвеоляр кирра маркази ёки бироз ёноқ томондан

3) алвеоляр кирра маркази ёки бироз орал

4) алвеоляр кирра чети бўйлаб

#### 15. КЕСИЛГАНДАН СЎНГ ПЛАСТИНАЛИ ИМПЛАНТАТНИ ЎРНАТИШ УЧУН МИЛК ТЎҚИМАСИНИ ҚҮЙИДАГИ ЧУҚУРЛИКДА АЖРАТИЛАДИ

1) алвеоляр ўсикнинг ҳар бир юзасидан 5-10 мм чуқурлиқда

2) алвеоляр ўсикнинг ҳар бир юзасидан 10-15 мм чуқурлиқда

3) алвеоляр ўсикнинг вестибуляр юзасидан 5-10 мм чуқурлиқда

4) алвеоляр ўсикнинг орал юзасидан 10-15 мм чуқурлиқда

#### 15. ПЛАСТИНАЛИ ИМПЛАНТАТ УЧУН ИМПЛАНТАТ ҚЎНДОФИ ҚҮЙИДАГИЧА ШАКЛЛАНТИРИЛАДИ

1) ўлчамидан 1-2 мм қисқароқ

2) мезиал ўлчамидан 1-2 мм узунрок

3) ҳар бир томондан ўлчамидан 1-2 мм узунрок

4) дистал ўлчамидан 1-2 мм узунроқ

#### 16. ПЛАСТИНАЛИ ИМПЛАНТАТ УЧУН СУЯК ҚЎНДОФИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАН ОЛДИН КОРТИКАЛ ПЛАСТИНКА ОРҚАЛИ КОВАКЛИ МОДДАГА КАНАЛЛАР ҚИЛИШ ЛОЗИМ

1) алвеоляр кирранинг маркази бўйлаб вертикал

2) колган имплантатлар билан параллел

3) табиий тишлар билан параллел

4) алвеоляр кирра маркази бўйлаб 3-5 мм вертикал масофада ва бирбирига параллел

17. ПЛАСТИНАЛИ ИМПЛАНТАТНИ ДАСТЛАБКИ МАҲКАМЛАШДАН СҮНГ КУЛТЛИ ҚИСМ АСОСИ ҚУЙИДАГИ МАСОФАДА БЎЛИШИ ЛОЗИМ

- 1) алвеоляр қирра чўққисидан 1 мм
- 2) алвеоляр қирра чўққисидан 2 мм
- 3) алвеоляр қирра чўққисидан 3 мм
- 4) алвеоляр қирра чўққисидан 4-5 мм

18. СИЛИНДРИК ИМПЛАНТАТ ЎРНАТИЛИШИДА У СУЯККА КИРИТИЛАДИ

- 1) алвеоляр қирра даражасида
- 2) суяк даражасидан 1-1,5 мм паст
- 3) суяк даражасидан 1 мм баланд
- 4) суяк даражасидан 0,5-1 мм паст

19. ДЕНТАЛ ИМПЛАНТАЦИЯГА МУТЛАҚО ҚАРШИ КЎРСАТМА

- 1) тишлам аномалиялари
- 2) пародонтит
- 3) ҳомиладорлик
- 4) қон ва қон хосил килиш аъзоларининг касалликлари

20. ДЕНТАЛ ИМПЛАНТАЦИЯГА НИСБИЙ ҚАРШИ КЎРСАТМАЛАР

- 1) фронтал бўлимда тишлардан бирининг йўклиги
- 2) оғиз бўшлиғида қониқарсиз гигиена
- 3) мнт касалликлари
- 4) тиш қаторининг бир томонлама ва икки томонлама учли нуқсонлари

21. ИМПЛАНТАТ ЎРНАТИЛГАНИДАН СҮНГ ЯРАНИНГ ТИКИЛИШИДА ЧОКЛАР ЎРТАСИДАГИ МАСОФА ҚАНЧА БЎЛИШИ КЕРАК?

- 1) 1 см
- 2) 1,5 мм
- 3) 0,5 см
- 4) 1.5-2 мм

22. ЮҚОРИ ЖАҒДА МИЛК ШАКЛЛАНТИРГИЧ ҚАНЧА ВАҚТ ЎТГАЧ

## ҮРНАТИЛАДИ?

- 1) имплантат ўрнатилганидан 1-2 ой ўтгач
- 2) имплантат ўрнатилганидан 3-4 ой ўтгач
- 3) имплантат ўрнатилганидан 4-5 ой ўтгач
- имплантат ўрнатилганидан 5-6 ой ўтгач

23. ПАСТКИ ЖАҒДА МИЛК ШАКЛАНТИРГИЧ ҚАНЧА ВАҚТ ЎТГАЧ ҮРНАТИЛАДИ?

- 1) имплантат ўрнатилганидан 1-2 ой ўтгач
- 2) имплантат ўрнатилганидан 3-4 ой ўтгач
- 3) имплантат ўрнатилганидан 4-5 ой ўтгач
- 4) имплантат ўрнатилганидан 5-2 ой ўтгач

24. ДЕНТАЛ ИМПЛАНТАЦИЯДА ОПЕРАЦИЯДАН ОЛДИНГИ ТАЙЁРГАЛИК НИМАЛАРНИ ЎЗ ИЧИГА ОЛАДИ

- 1) юқори жағ бўшлигининг пункцияси
- 2) антимикроб профилактика
- 3) невралгияни даволаш
- 4) сўлак безлари оқимларининг бужирлаш

25. ДЕНТАЛ ИМПЛАНТАЦИЯДА ОПЕРАЦИЯДАН ОЛДИНГИ ТАЙЁРГАРЛИК НИМАЛАРНИ ЎЗ ИЧИГА ОЛАДИ

- 1) сўлак безларининг пальпацияси
- 2) юқори жағ бўшлигининг пункцияси
- 3) невралгияни даволаш
- 4) премедикация

26. ДЕНТАЛ ИМПЛАНТАЦИЯНИ РЕЖАЛАШТИРИШДА, ОФИЗ БЎШЛИГИНИ КЎРИКДАН ЎТКАЗИБ, ҚУЙИДАГИЛАРНИ АНИҚЛАШ ЛОЗИМ

- 1) кулок олдидаги без йўлининг ҳолати
- 2) танглай-халқум ҳалқасининг ҳолати
- 3) тиш қаторларида нуқсонларнинг узунлиги
- 4) бодомсимон без ҳолати

## 27. БИР БОСҚИЧЛИ ИМПЛАНТАЦИЯ БУ

- 1) имплантат тиш олинганидан кейин дархол ўрнатилади
- 2) имплантат ўрнатилади ва дархол протез тайёрганади
- 3) имплантатни тож қисми мілк устидан чиқадиган тарзда ўрнатилади
- 4) турли имплантатлар ўрнатилади

## 27. КОМБИНАЦИЯЛИ ШАКЛДАГИ ИМПЛАНТАТЛАРГА ҚАЙСИЛАРИ КИРАДИ?

- 1) винтли имплантатлар
- 2) силиндрли имплантатлар
- 3) пластик имплантатлар
- 4) дискли имплантатлар

## 28. РАМУС-ФРАМЕ ИМПЛАНТАТЛАРИ ҚАЙСИ ТУРГА КИРАДИ

- 1) сүяк ости ва усти имплантатлари
- 2) сүяк ичи имплантатлари
- 3) сүяк орқали ўтувчи имплантатларга
- 4) шиллик ичи имплантатлари

## ВАЗИЯТЛИ МАСАЛАЛАР

**1-масала.** Бемор К., 56 ёшда, жаррохлық бўлимига дентал имплантатлар ёрдамида даволашни режалаштириш ва ўтказиш масаласида маслаҳатга йўналтирилган. Юқоридаги жағда тишлар йўқлиги, овқатни чайнашда қийинчиликлардан шикоят билан мурожаат килган.

Анамнезда – ЎРВИ, ЎРК, болаликдаги касалликлар, 15 ёшида Боткина касаллиги. Кусиши рефлекси юқори. Юқори жағдаги тишлар сурункали яллиғланиш жараёнлари туфайли ҳаёти давомида олинган. Беморга тўлик олиб қўйиладиган протез тайёрганган, лекин протезнинг қониқарли маҳкамланишига эришилмаган, шунингдек юқори кусиши рефлекси туфайли bemor протездан фойдалана олмайди.

Обектив: ташқи кўрикда юқори лабнинг тушиши, сўзлашувда дикциянинг бузилиши аниқланади.

Оғиз бўшлиғи кўриқдан ўтказилганида шиллиқ қават оч-пушти рангда, мўтадил намланган. Юқори жағ алвеоляр қиррасида ён бўлимлар нуқсони ва деформацияси мавжудлиги аниқланган.

1.8-1.1, 2.1-2.8, 3.5, 4.4, 4.6. лар йўқ.

Тишлам – қайд қилинмаган.

Рентгенограммада – юқори жағ алвеоляр қиррасида мавжуд бўлмаган 1.7-1.5, 2.4-2.8 лар соҳасида нуқсонлар кузатилади. Мавжуд бўлмаган 1.4-2.3 соҳасида суяқ тўқимасининг танқислиги аниқланмайди. Илдиз учлари проекциясида 3.1, 4.1 тишлар соҳасида аниқ чегараларга эга, 1,5/1.0 см ўлчамдаги суяқ тўқимасининг деструкция ўчоги мавжудлиги кузатилади.

Саволлар ва вазифалар:

Ташхис қўйинг.

Мазкур клиник ҳолатда қандай ортопедик конструкцияни тайёрлаш кераклигини айтинг ва нима учунлигини тушунтиринг?

**2-масала.** 28 ёшли бемор ярим йил аввалги автомобил ҳодисасида етган жароҳат оқибатларини даволаш учун клиникага мурожаат килди. ЙХХ да bemor 12, 11, 21 тишларнинг тўлиқ чикишига учради. Кейинчалик яшаш жойи бўйича поликлиникада bemorga уни эстетик ва фонетика бўйича қониқтирумайдиган, юқори жағ учун қисман олиб қўйиладиган пластинали протез тайёрланди.

Беморнинг сўзларидан у соматик соғлом. Бошдан кечирилган касалликлардан болалиқдаги инфекциялар кузатилади.

Бемор текширилганида қуйидагилар аниқланди:

Ҳолати қониқарли, онги тиник, вакт ва фазода мослашади, харакатлари ҳолатга мос. Юзнинг ташки кўриниши ўзгармаган. Юз ва бўйин териси шикастланишларсиз меъёрий рангда. Митақавий лимфати тугунлар палпацияланмайди. Оғизнинг очилиши меъёр доирасида. Оғиз бўшлиғи ва кириш жойида шиллиқ қават меъёрий намлиқда, оқ-пушти рангда.

Тишлам ортогнатик. Юқори жағда мавжуд бўлмаган 12, 11, 21 тишлар ўрнини тўлтивучи қисман олиб қўйиладиган пластинали протез жойлашган.

Протез юкланишда нотурғун, сунъий тишлиар табиийларидан ранги бўйича кучли фарқ қилади. Юқори жағда алвеоляр ўсик мавжуд бўлмаган тишлиар соҳасида вестибуляр соҳада сүяқ тўқимаси танқислиги туфайли ингичкалашган. Кўрсатилган соҳада милк ўзгармаган. Нуксонга қўшни бўлган юқори жағдаги тишлиар турғун, ранги ва қўзгалувчанлиги ўзгармаган. Протез ечилганида юқори лабларнинг кучли тушиши кузатилади.

Келтирилган ортопантомограммада юқори жағда алвеоляр ўсикнинг баландлиги 2 мм га камайтганлиги ва шаффоффлиги ортганлиги кузатилади.

Саволлар ва вазифалар.

1. Ташхис қўйинг.
2. Ушбу клиник ҳолатда қандай даволаш усууллари имконли?
3. Қўшимча текширув методларини ўtkазиш зарурми?

**З-масала.** 55 ёшли бемор клиникага имплантатда тожлар қўзгалувчанлигидан шикоят қилиб мурожаат қилди. Имплантологик даволаш 2 йил олдин ёпилиб кетган, бошқа даволаш муассасида ўтказилган. Беморга тиш мавжуд бўлмаган 4.6. соҳада Нобел фирмасининг имплантати ўрнатилган, кейинчалик эса имплантатга тож тайёрланган. Тожнинг қўзгалувчанлиги мурожаат қилишдан бир йил аввал пайдо бўлган ва тобора ўсиб борган. Ёндош касалликлардан bemorda гипертоник касаллиги, буйракда тош касалликлари мавжудлиги аниқланган.

Текширувда қуидагилар аниқланди:

Ҳолат кониқарли. Онг тиник. Юзнинг ташқи кўриниши ўзгармаган. Оғиз очилиши меъёрда. Тери копламаларининг ранги ўзгармаган. Минтақавий лимфатик тугунлар палпацияланмайди. Оғиз бўшлигининг шиллик қавати патологияларга эга эмас. Тишлам тўғри. Барча уч молярлар ва 4.6 тиш мавжуд эмас, бу соҳада тожли имплантат мавжуд, у имплантатга нисбатан ҳам вестибуляр-орал, ҳам мезиодистал йўналишда қўзгалувчан. Имплантатнинг бўйинчаси милк устидан чиқиб турибди, караш билан қопланган.

Саволлар ва вазифалар:

1. Дастрлабки ташхис қўйинг.
2. Қўшимча текширув методларини ўтказинг.
3. Имплантатда супратузилма билан тож қўзгалувчанилигига қандай сабаблар олиб келиши мумкин?
4. Беморнинг реабилитацияси учун қандай чоралар кўриш зарур?

## ТЕСТ ВАЗИФАЛАРИГА ЖАВОБ ЭТАЛОНЛАРИ

1 - 4	11 - 3	21 - 2
2 - 3	12 - 1	22 - 3
3 - 3	13 - 1	23 - 4
4 - 3	14 - 2	24 - 2
5 - 1	15 - 2	25 - 2
6 - 2	16 - 3	26 - 4
7 - 3	17 - 4	27 - 3
8 - 3	18 - 2	28 - 3
9 - 1	19 - 4	29 - 4
10 - 1	20 - 4	30 - 2

## ВАЗИЯТЛИ МАСАЛАЛАРГА ЖАВОБЛАР ЭТАЛОННИ

**1-масала.** 1. Юқори жағда тишиларнинг түлиқ мавжуд эмаслиги. Пастки жағда тишиларнинг қисман мавжуд эмаслиги. Юқори жағ алвеолляр кирранинг ён бўлимларида нуксон ва деформация. 3.1.4.1 соҳада пастки жағнинг радикуляр кистаси.

2. Юқори жағнинг олд бўлимига ўрнатилган дентал имплантатларга таянч билан тўсина олиб қўйиладиган протез. Бу протезнинг түлиқ маҳкамланишини ва унинг асосини камайтириш имконини беради, чунки беморда ифодаланган қусиш рефлекси бор.

**2-масала.** 1. Таҳхис: юқори жағда тишиларнинг қисман иккиласмчи мавжуд эмаслиги (12, 11, 21). Юқори жағда мавжуд бўлмаган тишилар соҳасида алвеолляр ўсикнинг жароҳатдан кейинги нуксони.

2. Даволаш усуслари:

а) Юқори жағда тиш қаторини 13, 22, 23 тишиларга таянч билан олинмайдиган кўприксимон протез тайёрлаш йўли билан қайта тиклаш.

б) юқори жағ нуксонини З имплантатларни кетма-кет ёки бир вактда дентал имплантацияси билан суюк пластикаси ёки йўналтирилган тўқима регенерацияси методи билан, шунингдек имплантатларда олинмайдиган

протезлар билан бартараф қилиш.

3. Рентген компьютер томографияси кўринишидаги қўшимча текширувлар иккинчи даволаш вариантини танлашда талаб этилади.

**З-масала.** Ташхис: мавжуд бўлмаган 4.6 соҳада имплант-ортопедик конструкциянинг лаёқацизлиги.

1. Кўшимча тарзда имплантат соҳасида суяқ тўқимасининг ҳолатини ва имплантатнинг бузилиш эҳтимолини аниқлаш учун рентгенологик текширув (офиз ичидаги ёки ортопантомография) ўтказиши.

2. Мазкур асорат ривожланишининг сабаби супратузилмани маҳкамловчи винтни бурашда нотўғри куч берилиши хисобланиши мумкин, у винтнинг очилиши ва супратузилма заифлашишига ва эҳтимол имплантат ва супратузилма бирлашув тутунининг бузилишига, винт деформациясига олиб келган. Шунингдек конструкциянинг бузилишига тиш қаторларида окклузияли ўзаро муносабатлар нотўғри содир бўлиши оқибатида чайнашда ортиқча юкланиш олиб келиши мумкин.

3. Беморнинг реабилитацияси учун конструкция ҳолатини аниқлаштириш зарур, бунинг учун тожни супратузилмадан ултратовуш ёки арралаш йўли билан олиш, кейин имплантат ва супратузилма ҳолатини таҳлил қилиш керак. Улар тўлиқ бўлганида, агар шикастланишларсиз ечишган бўлса, винт алмаштирилиб, окклузия тўғирланганидан сўнг тож тўғри куч билан тортилади ва маҳкамланади. Тож шикастланганида у аниқ ҳолатни эътиборга олиб қайтадан тайёрланади. Имплантат шикастланганида у олиб ташланади ва такроран имплантологик даволаш ўтказилади. Жарроҳлик ва ортопедик даволаш оғиз бўшлиғи ҳамда имплантация соҳасида пародонтологик санациялангандан кейин ўтказилиши лозим.

## **ТАВСИЯ ЭТИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

Асосий:

- Хирургическая стоматология: Учебник / Под ред. Робустова Т.Г. - 4-е изд., - М: Изд. «Медуница», 2011. - 688 с.

Күшимиңчә:

- Васильев А.В. Одноэтапная дентальная имплантация с немедленной функциональной нагрузкой: учебно-методическое пособие/ А.В. Васильев; Санкт-Петербургская мед.академия последипломного образования, Каф. челюстно-лицевой хирургии и хирургической стоматологии. - СПб.: Человек, 2009. - 20с.

- Грудянов, А.И. Методика направленной регенерации тканей. Подсадочные материалы: научное издание/ А.И. Грудянов, П.В. Чупин. - М.: МИА, 2007. - 58 с.

- Мирсаева Ф.З. Избранные вопросы хирургической стоматологии: учебное пособие/ Ф.З. Мирсаева, Л.Р. Халикова; ГБОУ ВПО "Башкирский государственный медицинский университет МЗ и социального развития РФ".

- Уфа: Изд-во ГБОУ ВПО БГМУ Минздравсоцразвития России, 2011. - 188 с.

- Новые технологии в профилактике и лечении заболеваний челюстно-лицевой области: сб. науч. тр./ Башкирский государственный медицинский университет, Московский обл. н.-и. клинич. ин-т им. М. Ф. Владимиরского; [редкол.: Ф. З. Мирсаева (гл. ред.) [и др.]. - М.: МОНИКИ; Уфа: Здравоохранение Башкортостана, 2003. - 253 с.

- Параскевич В.Л. Дентальная имплантология: основы теории и практики: руководство/ В. Л. Параскевич. - 3-е изд.. - М.: МИА, 2011. - 400 с.

2009. Справочник по дентальной имплантологии: справочное издание/ Клаудио Какачи [и др.] ; пер. с нем. Е. П. Мордовина. - М.: МЕДпресс-информ,- 208 с.

- Хобек Д.А. Руководство по дентальной имплантологии: руководство/ Джон А. Хобек, Роджер М. Уотсон, Ллойд Дж. Дж. Сизн ; пер.

с англ. под общ. ред. М.З. Миргазизова. - 2-е изд.. - М.: МЕДпресс-информ, 2010. - 223 с.

Электронные ресурсы:

1. к/21027Блок, М. С.. Дентальная имплантология: хирургические аспекты: научное издание/ М. С. Блок ; под общ.ред. М. В. Ломакина ; [пер. с англ. Д. Штанникова]. - М.: МЕДпресс-информ, 2011. - 448 с.:
2. к/19410Васильев, А. В.. Одноэтапная дентальная имплантация с немедленной функциональной нагрузкой: учебно-методическое пособие/ А. В. Васильев; Санкт-Петербургская мед.академия последипломного образования, Каф. челюстно-лицевой хирургии и хирургической стоматологии. - СПб.: Человек, 2009. - 20 с.
3. к/12985Всероссийская науч.-практ. конференция стоматологов (; Уфа). Сборник статей Всероссийской научно-практической конференции стоматологов: научное издание/ Башк. гос. мед. ун-т; Редкол.: Р. А. Хасанов и др.. - Уфа: Б. и., 2002. - 251 с.
4. КОНСУЛЬТАНТ СТУДЕНТАИ 20 Иванов, А. С. Основы дентальной имплантологии [Электронный ресурс]: учебное пособие/ А. С. Иванов. - Электрон. текстовые дан.. - СПб.: СпецЛит, 2011. - 63 с.:
5. к/21043Параскевич, В. Л.. Дентальная имплантология: основы теории и практики: руководство/ В. Л. Параскевич. - 3-е изд.. - М.: МИА, 2011. - 400 с.:
6. к/19157 Справочник по дентальной имплантологии: справочное издание/ Клаудио Какачи [и др.] ; пер. с нем. Е. П. Мордовина. - М.: МЕДпресс- информ, 2009. - 208 с.:
7. к/19351Хобкек. Руководство по дентальной имплантологии: руководство/ Джон А. Хобкек, Роджер М. Уотсон; пер. с англ. под общ. ред. М. З. Миргазизова. - 2-е изд.. - М.: МЕДпресс-информ, - 223 с.:

## МУНДАРИЖА

Аннотация .....	3
Кириш .....	6
1 Боб. Имплантация ривожланишининг тарихига қисқача саёҳат, дентал имплантация тушунчаси. Дентал имплантацияга кўрсатмалар ва карши кўрсатмалар. Имплантациянинг турлари тузилиши.....	7
2 Боб. Имплантологик беморни даволаш бўйича тиббий жамоанинг ҳар бир иштирокчисининг ролини аниқлаш. Шифокор-координаторнинг бемор билан мулоқот алгоритми. Стоматологик имплантологияда диагностика ва даволашни режалаштириш усуслари .....	39
3 Боб. Жарроҳлик амалиётининг босқичлари бўйича дентал имплантациянинг турлари. Дентал имплантацияда турғунлашув турлари. “Торк” тушунчаси. Дентал имплантация ўтказиш учун зарур қурилма ва мосламалар. Беморларни дентал имплантация операциясига тайёрлаш. Дентал имплантация ўтказиш вактида бўлиши мумкин бўлган асоратлар ва уларни даво чоралари .....	63
4 Боб. Дентал имплантологияда асоратлар, уларнинг сабаблари ва уларни бартараф қилиш усуслари .....	87
5 Боб. Суяқ пластикаси тушунчасининг аниқланиши. Суяқ пластикаси жараёнларининг қисқача шарҳи. Суяқ пластикасини ўтказиш учун материал ва усуслар .....	97
Мавзуни ўзлаштиришни назорат қилиш учун тест вазифалари ва вазиятли масалалари.....	123
Тест вазифаларига жавоб эталонлари .....	133
Тавсия этилган адабиётлар .....	135

ISBN 978-9943-162-88-4

A standard linear barcode representing the ISBN number 978-9943-162-88-4.

9 789943 162884